

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ**

Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари

(2017 йил 13февраль-18февраль)

№24

Тошкент – 2017

Шавкат Мирзиёев Россия ҳукумат раисининг ўринбосарини қабул қилди

Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев 15 февраль куни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Россия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Ўзбекистонга келган Россия Федерацияси Ҳукумати раисининг ўринбосари Дмитрий Козакни қабул қилди.

Давлат раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари кўплаб йўналишларда, хусусан, савдо-иқтисодий соҳада изчил ривожланаётгани ва мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси президенти Владимир Путиннинг 2016 йил 6 сентябрь куни Самарқандда бўлиб ўтган учрашуви чоғида эришилган келишувлар фаол ва самарали амалга оширилаётгани қайд этилди.

Бугунги кунда Россия Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий шерикларидандир. 2016 йил якунларига кўра, ўзаро савдо ҳажми 4,2 миллиард АҚШ долларидан зиёдни ташкил этган. Товар айирбошлаш ҳажмини янада кўпайтириш мақсадида Ўзбекистонда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини "яшил йўлак" орқали россиялик истеъмолчиларга етказишни ташкил этишга доир келишувлар имзоланган. Жорий йилда Россия бозорига 1 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавотлар, шунингдек, уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган кенг турдаги маҳсулотлар етказиб бериш мўлжалланган.

Ҳамкорликнинг барча йўналишлари, шу жумладан, икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги алоқалар сезиларли даражада фаоллашди.

Инвестициявий ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда Россия капитали иштирокида ташкил этилган 960дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда, Россиянинг 64та етакчи компанияси ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Нефть-газ соҳаси билан бир қаторда машинасозлик, металлургия, тўқимачилик саноати, фармацевтика, замонавий тиббий ускуналар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларида ҳам янги инвестициявий лойиҳалар тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида янги дастур ва битимлар ишлаб чиқилмоқда.

Учрашувда иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишларини янада диверсификация қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар икки мамлакат компаниялари ўртасида узоқ муддатли амалий алоқаларни ўрнатиш, шунингдек, янги қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия муҳим ўрин тутаётганини қайд этдилар.

Д.Козак самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикаси билан кенг кўламли савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Туркменистон Президенти билан телефон орқали мулоқот

2017 йил 14 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Гурбангули Бердимухамедовни Туркменистон Президенти сайловидаги юксак ғалабаси билан самимий табриклаб, давлат раҳбари лавозимидаги фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади.

Мулоқотда сайлов натижалари Туркменистонда халқ фаровонлигини юксалтириш, мамлакатни изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чуқур ўйланган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларга туркман халқи юксак ишонч билдираётгани ва уларни тўлиқ қўллаб-қувватлаётганининг яна бир ёрқин ифодаси бўлгани қайд этилди.

Давлатлар раҳбарлари ўзаро муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболли йўналишларини муҳокама этиб, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг муҳим жиҳатлари юзасидан фикр алмашдилар. Туркменистон фаол ташқи сиёсат юритаётгани ва Гурбангули Бердимухамедовнинг ташаббуслари халқаро майдонда муваффақиятли амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Президентлар давлатлараро муносабатлар турли даражаларда сезиларли миқёсда фаоллашгани, ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенгайиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар. Томонлар Ўзбекистон ва Туркменистон ҳукумат -делегацияларининг амалий ташрифлари якунларини, шунингдек, икки мамлакат ҳудудлари даражасидаги ҳамкорликни ижобий баҳоладилар.

Давлат раҳбарлари икки қардош мамлакат ўртасида амалий ва очик мулоқотни жадал ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини тасдиқлаб, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқалар самарадорлигини янада ошириш учун мавжуд улкан салоҳиятни тўла ишга солишга тайёр эканини билдирдилар.

Мулоқот якунида Шавкат Мирзиёев Гурбангули Бердимухамедовга мустаҳкам соғлиқ ва масъулиятли давлат раҳбари лавозимида улкан ютуқлар, Туркменистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилади.

Сухбат давлатларимиз раҳбарлари ўртасидаги мулоқотга хос бўлган самимий ва дўстона руҳда ўтди.

UNICEF Шавкат Мирзиёевнинг нутқига нисбатан ўз муносабатини билдирди

Болалар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи бўйича UNICEF ўз баёнотини билдирди.

"UNICEF Ўзбекистон Республикаси Президенти Ички ишлар вазирлиги вакиллари билан учрашувида болалар ва ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратганини юксак баҳолайди.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга аъзо давлат сифатида, Ўзбекистон реабилитация ва реинтеграция жараёнлари вояга етмаган болаларнинг манфаатларини, албатта, эътиборга олган ҳолда адлия тизимида тегишли ислохотларни олиб боради. Бола ҳуқуқлари бўйича Қўмита жиноятчиликнинг ижтимоий илдизларини излаш зарурлигини таъкидлайди. У давлат ва жамоатчиликнинг турли даражаларида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ҳар томонлама жиҳатларни ўз ичига олган дастурларни таклиф этади.

Шуниси эътиборга лойиқки, Президент тегишли давлат идораларини ёшлар содир этган жиноятларни таҳлил қилишга, уларнинг сабабларини аниқлашга ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни кучайтиришга даъват этди.

Болалар турли сабабларга кўра жиноят содир этишлари ёки ҳуқуқбузарликка қўл уришлари мумкин. Халқаро тадқиқотларнинг натижалари кўрсатишича, бундай болалар зўравонлик, ҳақорат, менсимаслик ва эксплуатация сингари ҳолатлар мавжуд бўлган муаммоли оила муҳитидан бўладилар. Шу боис ҳимояга муҳтож болаларнинг муаммоларини ҳал этиш жуда муҳимдир.

Глобал амалиёт шуни тасдиқлайдики, жиноятчиликнинг олдини олиш дастурлари ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан эмас, балки ижтимоий ҳимоя органлари томонидан олиб борилганида самаралироқ бўлади. UNICEF тегишли вазирликлар ва идораларга болалар учун адлия тизимини мукамаллаштиришда халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ равишда техник ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини баён этади", дейилади баёнотда.

«Муваффақиятли равишда вояга етмаганлар орасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш эрта болаликдан бошлаб ўсмирларнинг ҳар томонлама баркамол бўлишларини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар бутун жамият ва давлат тизими томонидан қилинишини тақозо этади,» - деди Сасча Грауманн, UNICEF'нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари. «Ёшлар жамият ҳаётида фаол роль ўйнаш учун имкониятларга эга бўлишлари лозим, ҳамда уларга жамият ривожига ҳисса қўшадиган шахслар сифатида қараш керак,» - деб қўшимча қилди у.

Устувор вазифалар белгилаб олинди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишини амалга ошириш бўйича комиссиянинг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик, идоралар, давлат кўмиталари раҳбарлари, Марказий банк, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, олий ўқув муассасалари вакиллари ҳамда журналистлар қатнашди.

Мажлисни мазкур комиссия раиси, Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев бошқарди.

Йиғилишда Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишини амалга ошириш бўйича комиссия зиммасига юклатилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил юксалтириб бориш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни рўёбга чиқариш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ҳамда спорт - соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш бўйича вазифаларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилишини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Мазкур саъй-ҳаракатларнинг амалга оширилиши ва назоратини йўлга қўйиш борасида масъулиятни янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистонда дори-дармонларнинг қатъий белгиланган нархлари тасдиқланди

Ўзбекистонда импорт қилинувчи дори воситалари ва тиббий буюмларнинг энг юқори, қатъий белгиланган шартномавий, улгуржи ва чакана нархлари тасдиқланди.

Бу нархлар Ўзбекистондаги барча дорихоналар учун мажбурий ҳисобланади. Агар фуқаролар нархлар кўрсатилганлардан юқорирок бўлган дорихоналарга учрасалар, унда улар бу ҳақда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат рақобат қўмитасининг ишонч рақамларига ҳамда ҳар бир дорихонада кўрсатилган махсус телефонлар орқали қўнғирок қилишлари мумкин.

	Название лекарственного средства	Лекарственная форма и доза	Цены в 2017 году	
			оптовая, сум	розничная, сум
	МОНОСАН	Таблетки 20 мг N30 (3x10) (блистеры)	9846	11815
	МОНОНИТРОСИД	Таблетки 40 мг N40 (4x10) (упаковки контурные ячейковые)	5621	6745
	НЕБОБЕТА	Таблетки 5 мг N30 (3x10) (блистеры)	5459	6550
	СТРЕПТОКИНАЗА	Порошок лиофилизированный для приготовления раствора для инъекций 1500000 МЕ (флаконы)	67901	81481
	ГЕПАРИН	Раствор для внутривенного и подкожного введения 5000МЕ/мл, 5мл N5 (флаконы)	13580	16296
	ЭНОКСЕЛЬ™ 40	Раствор для подкожного и внутривенного введения 40 мг/0,4 мл; (предварительно заполненные шприцы)	61111	73333

Гурбангули Бердимухамедов қасамёд қабул қилди

Туркменистон президентлигига қайта сайланган Гурбангули Бердимухамедовнинг инаугурация маросими ўтказилди. «Туркменистон: олтин аср» газетасининг ёзишича, у Рухият саройида «туркман халқига ва давлатга садоқат билан хизмат қилиши»ни айтиб қасамёд қилган.

Мамлакат раҳбари ўнг қўлини конституцияга қўйиб, «зиммасидаги масъулиятли вазифаларни виждонан бажариш»га, шунингдек, «Туркменистоннинг мустақиллиги ва бетарафлигини ҳимоя қилиш»га, «туркман халқини бирлаштириш ва тинч ҳаётни таъминлаш учун ўзининг бор кучини йўналтириш»га қасамёд қилган.

Шундан сўнг унга Туркменистон президенти гувоҳномаси топширилган, давлат мадҳияси янграган, маросимнинг барча иштирокчилари мадҳияни жўр бўлиб ижро этган.

Туркменистонда президентлик сайловлари 12 февраль куни бўлиб ўтди. Унда Туркменистоннинг амалдаги раҳбари Гурбангули Бердимухамедов 97,69 фоиз овоз тўплаб, учинчи муддатга республика президенти этиб сайланди.

Пентагон раҳбари ИШИД масаласини 27 давлат мудофаа вазири билан муҳокама қилди

Пентагон раҳбари Жеймс Мэттис Бельгия пойтахти Брюссель шаҳрида 27 мамлакат мудофаа вазирлари билан учрашди. Ушбу мамлакатлар ИШИД террорчилик гуруҳига қарши АҚШ бошчилигидаги коалицияда иштирок этмоқда. Бу ҳақда Пентагон вакили Сара Ҳиггинс хабар қилди.

"Учрашув Суриядаги ИШИДга қарши кампанияга бор эътиборни қаратишга йўналтирилди. Унинг давомида 2017 йилга мўлжалланган ҳарбий режалар ҳақидаги маълумот ҳам бўлди", - дея маълум қилди Пентагон вакили.

Кейинги учрашув куз ойларига мўлжалланган.

ИШИД террорчилик гуруҳи бугунги кунда дунё хавфсизлигига энг катта раҳна солувчи таҳдидлардан бири бўлиб, террорчилар уч йил давомида Ироқ ва Суриянинг катта ҳудудларини эгаллаб олишди. Уларнинг бир қисми эса сўнгги ойларда қайтариб олинди. ИШИД билан курашда ягона фронт мавжуд эмас: гуруҳ билан Россия ҳаво-космик кучлари қўллаб-қувватловида Сурия ҳукумати қўшинлари, Ироқ армияси, АҚШ бошчилигидаги халқаро коалиция, шунингдек, курдлар, ливанликлар ва ироқлик шиа исёнчилари жанг олиб бормоқда.

Трамп Обама ўзидан кейин барча жабҳаларда тартибсизлик қолдирганини айтди

АҚШ президенти Дональд Трамп ўзидан аввалги президент Барак Обамадан ҳам мамлакат ичида, ҳам халқаро майдонда тартибсизликни "мерос қилиб олганини" айтди.

"Сизга маълум бўлгандек, маъмуриятимиз ҳам ҳукумат, ҳам иқтисодиётда кўплаб муаммоларни мерос қилиб олган, ростини айтганда, мен тартибсизликни мерос қилиб олдим!", деб айтган Трамп журналистлар билан учрашувда.

"Уйда ҳам, хорижда ҳам тартибсизлик: иш ўринлари мамлакатдан чиқиб кетмоқда, паст иш ҳақи, қаерга қараманг тартибсизлик ва хорижда беқарорлик, бироқ биз бунинг барчасини изига туширамиз", деб айтган Трамп.

Остонадаги Сурия бўйича учрашувда мухолифатдан нечта гуруҳ қатнашаётгани маълум бўлди

Қозоғистон ташқи ишлар вазирлигининг Осиё ва Африка департаменти директори Айдарбек Туматов Сурия можароси бўйича Остона учрашувида мухолифатнинг тўққизта гуруҳи иштирок этаётганини маълум қилди. Бу ҳақда ТАСС хабар бермоқда.

«Мухолифат делегациясига «Жайш ал-Ислом» вакили Муҳаммад Алуш бошчилик қилмоқда. Мухолифатдан тўққизта гуруҳ», - деди у.

Аввалроқ музокаралар бўйича Сурия мухолифат олий қўмитасининг бош музокарачиси Муҳаммад Алуш Остонага Суриядаги можарога бағишланган учрашувда иштирок этиш учун келгани ҳақида хабарлар тарқалганди.

Қозоғистон ташқи ишлар вазири Қайрат Абдраҳманов эса Сурияда тинчлик ўрнатишга қаратилган Остона музокараларининг навбатдаги босқичи иштирокчилари ўт очишни тўхтатиш тартибини бузиш ҳолатларини кузатиш ва уни бузганларга нисбатан санкцияларни муҳокама қилишни режалаштирганликлари ҳақида маълум қилганди.

Ахборот соати раҳбари

Тугалов А